



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 28 » апрель

№ПҚ-4699

Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимиға замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисбот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш;

2020 – 2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда **мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча худудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;**

2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушкини 60 фойзгача етказиши назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидағи ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали **электрон ҳукumat тизимини ривожлантириш;**

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик”ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги **хизматлар ҳажмини З бараварга ошириш** ва уларнинг экспортини **100 миллион долларга** етказиши;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида **2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш**.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик):

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади;

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг **лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертиздан ўтказади**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) криpto-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар сақлаб қолинсин.

3. Вазирлик ҳузурида қуйидагилар:

а) **“Электрон ҳукumat лойиҳаларини бошқариш маркази”** давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизимини жорий этиш;

электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш;

б) **“Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази”** давлат муассасаси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришга рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини баҳолаш;

экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида янги йўналишлар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали уларни давлат органлари ва ташкилотларида кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида “ақлли” ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишловчи технологияларни жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш.

4. Вазирлик марказий аппарати тузилмасида:

аграп соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган **вазир ўринbosари лавозими киритилсин**;

Аграп соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган вазир ўринbosари лавозимини киритиш ва бошқармаларни ташкил қилиш Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари **ходимларининг умумий чекланган сони доирасида амалга оширилади**.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш **вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **худудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Агентликнинг:

“Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор UZINFOCOM” МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушкини (кейинги ўринларда - Ягона интегратор) Вазирликка беғараз асосда ўtkазиб бериш;

Вазирлик ташкилий тузилмасидаги хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат акция пакетларини (улушларини) Вазирликка ўtkазиб бериш;

Агентлик қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат унитар корхонасининг ахборот тизимлари ва бошқа аппарат-дастурний комплексларини **бир ҳафта муддатда** Вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасига беғараз асосда ўtkазиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Куйидагилар:

“Электрон ҳукумат” тизимининг архитектураси **4-иловага** мувофиқ;

2020 – 2022 йилларда **электрон ҳукуматни янада ривожлантириш** бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **5-иловага** мувофиқ;

2020 – 2022 йилларда иқтисодиётнинг **реал сектори тармоқларида** замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **6-иловага** мувофиқ;

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 7-иловага мувофиқ;

2020 – 2022 йилларда **ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш** бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **8-иловага** мувофиқ;

2020 – 2021 йилларда қишлоқ ва сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” 9-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳалар рўйхатига аниқлик киритиш ҳукуқи берилсин.

9. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида (кейинги ўринларда – Жамғарма) электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисоб рақам очилсин.

Жамғарма маҳсус ҳисоб рақамининг даромад манбалари этиб қуидагилар белгилансин:

мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан **абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг тақсимлангунига қадар бўлган 35 фоизи;**

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, ийғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи, шунингдек, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгилансинки, абонент рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов, маблағларнинг тегишли қисми Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг, бошқа олувчилар орасида маблағларнинг қолган қисмидан **келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда тақсимланади** ва қонун ҳужжатларида белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиши, жорий этиши, интеграция қилиши ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича **умумий қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган** битта шартнома доирасида танловларни фақат Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентлари ўртасида ўтказиш ҳукуқига эга;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган барча ахборот тизимлари ва ресурсларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги фақат “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали амалга оширилади.

11. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентлари томонидан **оммавий молиялаштириш (краудфандинг) ва опцион-шартномаларни тузиш тартибини белгилаш** бўйича таклиф киритсин.

12. “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси Ягона интегратор билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини, жумладан хабардор қилиш характеристидаги маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган **Электрон ҳукумат хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизимини** ишлаб чиқсин.

13. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға эгалик қилиш, уни юритиш ва бошқариш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Агентлик бир ой муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиning унга тегишли барча мол-мулк ва асбоб-ускуналари билан биргаликда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига белгиланган тартибда топширилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2020 йил 1 августга қадар** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик хужжатларни **фақат почта алоқа объектлари тармоғи орқали етказиб бериш** тартибини белгиласин.

Вазирлик **2020 йил 1 августга қадар** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан почта алоқаси объектлари тармоғи орқали йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик хужжатларни жисмоний ва юридик шахсларга етказиб бериш ва етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3549-сон қарори 4-банди, шунингдек, қарорга 2-4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти


Тошкент шаҳри




Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги



**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги худудий бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Худудий бошқармаларнинг умумий иш ўринлари сони – **96** нафар.
Жумладан:

Сирдарё, Хоразм вилоятлари бўйича **6** нафар;
қолган худудларда **7** нафардан.

*Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмасига
кирувчи корхона ва ташкилотларнинг худудий бўлинмалари*

Вилоят электромагнит мослашув хизмати

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети филиали*

Вилоят маҳсус алоқа боғламаси

“Ўзбекистон почтаси” АЖ филиали


Вилоят радиотелеузатиш маркази

Фельдъегерлик хизматининг вилоят бўлинмаси

“Ўзбектелеком” АҚ филиали

* Корақалпогистон Республикасида, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида фаолият юритади.

“Электрон ҳукумат” тизимиning архитектураси



**2020-2022 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича устувор лойиҳалар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ташкилот ва лойиҳалар номланиши	Лойиҳалар сони	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбай
Жами:		104			
I. Вазирликлар					
1	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	2			
1.1	Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва келгусида прогнозлаш учун давлат органларидан маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Интеграциялашган ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 3. Интеграциялашган ахборот тизимини яратиш ва синон тарзида ишга тушириш. 4. Интеграциялашган ахборот тизимини амалиётга жорий этиш ва идораларда ундан фойдаланишини ташкил этиш.	2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь – ноябрь 2020 йил декабрь – 2021 йил июнь 2021 йил июль – сентябрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
1.2	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам олиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган интеграциялашган “Тадбиркор” ахборот тизимини жорий этиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – август	Халқаро молия институтлари грантлари

			3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва синов тарзида ишга тушириш.	2020 йил сентябрь – декабрь	
2	Молия вазирлиги	6			
2.1	Арzon уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурлари, шахсий ва кўп қаватли уй-жойлар курилиши нархи, сони ва жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган веб-портални ишлаб чиқиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Веб- портални ишлаб чиқиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 3. Веб- портални ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2020 йил июнь – август 2020 йил сентябрь – декабрь 2021 йил январь – март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
2.2	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси томонидан Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестрини ўз ичига олган ахборот тизимини жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – август 2020 йил сентябрь – 2021 йил сентябрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
2.3	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “Пенсия” дастурий таъминотини функционал кенгайтириш орқали Пенсия жамғармасини бошқариш ахборот тизимини яратиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. “Пенсия” дастурий таъминотини функционал кенгайтириш. 3. Ахборот тизимини синов режимида ишга тушириш ва камчиликларни бартараф этиш.	2020 йил июнь – август 2020 йил сентябрь – 2021 йил февраль 2021 йил март –июнь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар

2.4	Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ҳисобини юритишига мўлжалланган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”ни жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларга асосан Ягона реестрни ишлаб чиқиши якунлаш. 2. Ягона реестрни синов тарзида Сирдарё ҳудудида жорий этиш. 3. Ягона реестрни тўлақонли тарзда амалиётга жорий этиш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – октябрь 2020 йил ноябрь – декабрь	Халқаро молия институтлари грантлари
2.5	Давлат бюджети ҳисоби ва ҳисботини халқаро стандартларга мослаш мақсадида “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”ни такомиллаштириш.		1. Ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ахборот тизимини такомиллаштириш.	2020 йил июнь – июль 2020 йил август – 2021 йил март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
2.6	Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритишининг халқаро стандартларига ўтиш мақсадида “УзАСБО” дастурий таъминотини такомиллаштириш.		1. Даствурий таъминотни такомиллаштириш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. ДаSTRUРИЙ таъминотни такомиллаштириш.	2020 йил июнь – июль 2020 йил август – 2021 йил март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
3	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	1			
3.1	“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий этиш, ривожлантириш ва модернизация қилиш, техник ва дастурий таъминот воситалари билан жиҳозлаш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш.	2020 йил июнь – июль 2020 йил август – октябрь	Халқаро молия институтлари кредит маблағлари, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар

4	Үй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	6
4.1	Үй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига диспетчерликни автоматлаштириш.	
4.2	Үй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари юзасидан мурожаатларни қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича ягона ахборот тизимини яратиш.	
4.3	Сув таъминоти ҳамда канализация объектларининг геоахборот тизимини шакллантириш.	

3. Аппарат-дастурый таъминотни модернизация қилиш.	2020 йил ноябрь – 2021 йил март	доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
4. Аппарат-дастурый таъминотни түлиқ жорий этиш.	2021 йил апрель – 2022 йил ноябрь	
1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил май – июнь	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2021 йил июль – сентябрь	
3. Тизимни ишлаб чиқиш, синов тарзида ишга тушириш, камчиликларни бартараф этиш ва жорий этиш.	2021 йил октябрь – 2022 йил июнь	
1. Ягона ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил июнь – август	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2. Ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	2020 йил сентябрь – 2021 йил март	
1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш.	2020 йил июнь – 2021 йил июнь	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2. Ахборот тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил июль – сентябрь	

4.4	Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бүйича иншоотларда сув ҳисобини электрон тарзда юритувчи ахборот тизимини жорий этиш.	
4.5	Үй-жой коммунал соҳасида лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш, қурилиш обьектлари тендерларини ўтказиш, қурилиш жараёнларини мониторинг қилиш бүйича дастурий таъминот ишлаб чиқиш.	
4.6	Қуйидаги имкониятларни яратувчи “Үй-жой коммунал” ахборот тизимини жорий этиш: - тўловларни амалга ошириш бўйича электрон ҳужжатни шакллантириш; - фуқаролар билан худудларни ободонлаштириш ҳолати тўғрисида ахборот алмашиш, рейтинггини белгилаш.	

3. Геоахборот тизимини тасдиқланган режа-жадвалга асосан босқичма-босқич жорий этиш.	2021 йил октябрь – 2022 йил декабрь	
1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил июль – сентябрь	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил октябрь – декабрь	
3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	2021 йил январь – декабрь	
1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил июнь	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил июль	
3. Дастурий таъминотни ишга тушириш ва амалиётга татбиқ этиш.	2020 йил август – сентябрь	
1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш.	2020 йил июнь – 2021 йил июнь	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2. Ахборот тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил июль – август	
3. “Уй-жой коммунал” намунавий ахборот тизимини тасдиқланган режа-жадвалга асосан босқичма-босқич жорий этиш.	2021 йил сентябрь – 2022 йил декабрь	

5	Курилиш вазирлиги	3			
5.1	Курилиш соҳасида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини жорий этиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳанинг дастлабки техникиктисидий асоси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш. 4. Ахборот тизимини синов тарзида ишга тушириш. 5. Ахборот тизимини амалиётга татбиқ этиш.	2020 йил июнь – июль	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
5.2	Шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими (геопортал)ни шакллантириш ва жорий этиш.		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш. 2. Геоахборот тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган жадвалга асосан геоахборот тизимини босқичмабосқич жорий этиш.	2020 йил июнь – декабрь	Бюджетдан ташқари маблағлар
5.3	Курилиш соҳасидаги (қурилишга рухсат бериш, лойиҳа хужжатларини экспертизадан ўтказиш) электрон давлат хизматларини жорий этиш.		1. Электрон давлат хизматларини татбиқ этиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Электрон давлат хизматларини жорий этиш.	2020 йил июнь – июль	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар

6	Транспорт вазирлиги	2			
6.1	Йўловчи ташиш йўналишларини очиқ тендерлар орқали ташувчиларга бириктириш бўйича электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (тандов) савдоларини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини амалиётга татбиқ этиш.	2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – сентябрь 2021 йил октябрь – 2022 йил май	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
6.2	Хорижий компания ва мутахассисларни жалб этган ҳолда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг транспорт тизимини комплекс режалаштириш, математик моделларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс ахборот тизимини жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (тандов) савдоларини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини амалиётга татбиқ этиш.	2020 йил август – сентябрь 2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – май	Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси
7	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	2			
7.1	Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини модернизация қилиш ва такомиллаштириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (тандов) савдоларини ўтказиш. 4. Ахборот тизимини модернизация қилиш, такомиллаштириш ва ишга тушириш.	2021 йил январь – март 2021 йил апрель – сентябрь 2021 йил октябрь – декабрь 2022 йил январь – декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар

7.2	Миллий савдо майдончасини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асоси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 4. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 5. Савдо майдончасини яратиш ва ишга тушириш.	2020 йил октябрь – декабр 2021 йил январь – июнь 2021 йил июль – сентябрь 2021 йил октябрь – декабр 2022 йил январь – декабр	Халқаро молия институтлари грантлари (Корея Республикаси)
8	Ташқи ишлар вазирлиги	2			
8.1	Хориждаги фуқароларга тақдим этиладиган консуллик хизматларини автоматлаштиришни назарда тутувчи “Интерактив консуллик хизматлари” ахборот тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва интерактив хизматларни ишга тушириш.	2020 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари
8.2	Хорижий фуқароларга электрон виза расмийлаштиришга мўлжалланган “E-visa” автоматлаштирилган ахборот тизимини модернизация қилиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Автоматлаштирилган ахборот тизимини модернизация қилиш ва ишга тушириш.	2020 йил июнь – август	Давлат бюджети маблағлари
9	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1			
9.1	“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ахборот тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2020 йил июнь – июль	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар

			3. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 4. Ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш.	2020 йил ноябрь - декабрь 2021 йил январь-сентябрь	
10	Сув хўжалиги вазирлиги	3			
10.1	Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш мастер режаси ва пилот лойиҳасини амалга ошириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш.	2020 йил июнь - июль 2020 йил август - сентябрь 2020 йил октябрь - декабрь	Халқаро молия институтлари маблағлари
10.2	Сув кадастри билан боғлиқ ахборотни олиш, идоралараро ўзаро ахборот алмашиш, умумлаштириш ва таҳдил қилиш ҳамда статистикасини юритишини таъминлайдиган ахборот тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 3. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 4. Ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш.	2020 йил июнь - июль 2020 йил август - сентябрь 2020 йил октябрь - декабрь 2021 йил январь - март	Халқаро молия институтлари маблағлари
10.3	Ерларнинг шўрланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиш ахборот тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш.	2020 йил июль - сентябрь 2020 йил октябрь - 2021 йил март	Бюджетдан ташқари маблағлар

			3. Ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш.	2021 йил априль – 2022 йил декабрь	
11	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	7			
11.1	Ягона интерактив давлат хизматлари порталинин ахоли ўртасида оммалаштириш мақсадида такомиллаштириш.		1. Ягона портални такомиллаштириш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиши. 2. Ягона портални такомиллаштириш.	2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – июнь	Бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия институтлари грантлари
11.2	Электрон хукумат фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона тизимини модернизация қилиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ягона тизимни модернизация қилиш ва ишга тушириш.	2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – декабрь	Бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия институтлари грантлари
11.3	Электрон хукуматнинг идоралараро интеграцион платформасини модернизация қилиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Платформани модернизация қилиш ва ишга тушириш.	2021 йил октябрь – декабрь 2022 йил январь – июнь	Бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия институтлари грантлари
11.4	Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини модернизация қилиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тизимни модернизация қилиш ва ишга тушириш.	2021 йил январь – март 2021 йил априль – декабрь	Бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия институтлари грантлари
11.5	Маълумотнома ва классификаторлар регистри тизимини модернизация қилиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил октябрь – декабрь	Бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия

			2. Тизимни модернизация қилиш ва ишга тушириш.	2021 йил январь – декабрь	институтлари грантлари
11.6	Давлат органлари ўртасида ижро интизоми назорати бўйича "IJRO.GOV.UZ" идоралараро ягона хужжат алмашув тизимини такомиллаштириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш. 2. Лойиҳани амалга ошириш.	2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь – 2021 йил март	Бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия институтлари грантлари
11.7	Автотранспорт воситалари ҳаракатланишига руҳсат берувчи электрон стикерларни бериш бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш чораларини кўриш.		1. Дастурий таъминотни яратиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва техник талабларни шакллантириш. 2. Дастурий таъминотни яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил май 2020 йил июнь	Бюджетдан ташқари маблағлар
12	Инновацион ривожланиш вазирлиги	2			
12.1	"Илмий-техник" ахборот тизимини жорий этиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
12.2	Илмий фаолиятга оид давлат дастурларининг ягона электрон платформасини яратиш.		1. Электрон платформани яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш. 2. Электрон платформани ишлаб чиқувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўтказиш.	2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – июнь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар

			3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2021 йил июль – декабрь	
13	Маданият вазирлиги	1			
13.1	Концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома бериш учун онлайн ариза бериш тизимини яратиш ва уни Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилиш.		1. Ягона электрон порталга интеграция қилиш бўйича техник талабни ишлаб чиқиш. 2. Ягона электрон порталга интеграция қилиш.	2020 йил июнь – июль 2020 йил август – декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
14	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	2			
14.1	Олий таълим тизимида ўкув жараёнларини бошқариш тизими, бакалавр ва магистр дипломлари базаси ҳамда талабалар ўқишини электрон юритишга мўлжалланган “Олий таълим” ахборот тизимини яратиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўtkазиш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2020 йил июнь – июль 2020 йил август – октябрь 2020 йил ноябрь – 2021 йил ноябрь	Халқаро молия институтлари кредит маблағлари, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
14.2	Илмий-техник маълумотлар электрон базасини яратиш.		1. Электрон базанинг концепция ва техник хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Электрон базани ишлаб чиқувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўtkазиш. 3. Электрон базани ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2020 йил декабрь 2021 йил январь – март 2021 йил апрель – 2022 йил декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
15	Халқ таълими вазирлиги	4			
15.1	Кенг омма учун дарсликлардан электрон шаклда фойдаланиш имкониятини берувчи ягона таълим платформасини жорий этиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш.	2020 йил август – сентябрь	Халқаро молия институтлари грантлари,

			2. Ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиши ва жорий этиши.	2020 йил октябрь – 2021 йил март 2021 йил апрель – 2023 йил октябрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
15.2	Халқ таълими тизимидағи ўқитувчиларнинг малака тоифасини аниқлаш бўйича ягона тест тизимини жорий этиши.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиши. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўтказиш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиши ва жорий этиши.	2020 йил август – сентябрь 2020 йил октябрь – 2021 йил март 2021 йил апрель – 2022 йил декабрь	Халқаро молия институтлари грантлари, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
15.3	Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳисобга олиш, ўқитувчилар фаолиятига оид статистика ва ҳисботларни шакллантиришни назарда тутувчи “Электрон кундалик” ягона тизимини (kundalik.com) жорий этиши.		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш. 2. Умумтаълим мактабларда босқичма-босқич жорий этиши.	2020 йил июнь – декабрь 2021 йил январь – 2022 йил декабрь	Халқаро молия институтлари грантлари, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
15.4	Синов тариқасида “Электрон шаҳодатнома” ахборот тизимини жорий этиши.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиши. 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқувчи компанияни аниқлаш бўйича тендер (танлов) танловини ўтказиш.	2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь – декабрь	Халқаро молия институтлари грантлари, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар

			3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2021 йил январь – 2022 йил сентябрь	доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
16	Мактабгача таълим вазирлиги	1			
16.1	Болаларнинг давомати ва саломатлигини онлайн мониторинг қилиш, шунингдек, онлайн тўлов ва тўлов ҳисоби учун биллинг тизимини жорий этиш бўйича “Болалар боғчаси” ахборот тизимини жорий этиш.		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш. 2. Ахборот тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган режа-жадвалга асосан ахборот тизимини босқичмабосқич жорий этиш.	2020 йил октябрь – 2021 йил март 2021 йил апрель – июнь 2021 йил июль – 2022 йил декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
17	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	12			
17.1	Беморларнинг соғлигини тиклаш ва уларни барча тиббиёт муассасаларида даволаш учун умумий маълумотларни шакллантириш ҳамда сақлашга мўлжалланган “Ягона электрон тиббий карта” ахборот тизимини жорий этиш.		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш. 2. Ахборот тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. “Ягона электрон тиббий карта” ахборот тизимини тасдиқланган режа-жадвалга асосан босқичмабосқич жорий этиш.	2020 йил июнь – 2021 йил июнь 2021 йил июль – август 2021 йил сентябрь – 2022 йил декабрь	Халқаро молия институтлари маблағлари

17.2	“Электрон поликлиника” ахборот тизимини жорий этиш		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш. 2. Лойиҳани Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда амалга ошириш бўйича режажадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. “Электрон поликлиника” ахборот тизимини тасдиқланган режажадвалга асосан жорий этиш.	2020 йил июнь – декабрь 2021 йил январь – февраль 2021 йил март – 2022 йил декабрь	Халқаро молия институтлари маблағлари
17.3	Медикаментоз воситалари билан самарали ва хавфсиз даволанишни ташкил этиш ва шифокорларнинг электрон реестрини шакллантиришга мўлжалланган “Электрон рецепт” ахборот тизимини жорий этиш.		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш. 2. Лойиҳани Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда амалга ошириш бўйича режажадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини тасдиқланган режажадвалга асосан жорий этиш.	2021 йил январь – декабрь 2022 йил январь – февраль 2022 йил март – декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида бюджетдан ташқари маблағлар, Халқаро молия институтлари маблағлари
17.4	Соғлиқни сақлаш тизимида ихтисослаштирилган тиббий хизматга ордер беришнинг тўлиқ электрон тизимини ишлаб чиқиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган хужжатлар асосида электрон тизимни ишлаб чиқиш ва тест режимида ишга тушириш. 3. Тест натижалари асосида электрон тизимни такомиллаштириш ва тўлиқ ишга тушириш.	2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – декабрь 2022 йил январь – сентябрь	Халқаро молия институтлари маблағлари

17.5	Республикада фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш.		1. Техник лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирликлар билан келишиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган хужжатлар асосида электрон тизимни ишлаб чиқиш ва тест режимида ишга тушириш. 3. Тест натижалари асосида электрон тизимни такомиллаштириш ва тўлиқ ишга тушириш.	2020 йил июль – август	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
17.6	Таҳдил, суратлар ва бошқа натижаларнинг ягона электрон реестрини шакллантиришга мўлжалланган “Лаборатория” ахборот тизимини жорий этиш.		1. “Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш.	2020 йил июнь – 2021 йил июнь	
			2. Лойиҳани Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда амалга ошириш бўйича режажадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил июль – август	
			3. Тасдиқланган жадвалга асосан Ахборот тизимини жорий этиш.	2021 йил сентябрь – 2022 йил декабрь	
17.7	Мажбурий тиббий суғурта ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.		1. Суғурта ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш.	2020 йил ноябрь – декабрь	Халқаро молия институтлари маблағлари
			2. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил январь – март	
			3. Суғурта ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва тест режимида ишга тушириш.	2021 йил апрель – 2022 йил март	
			4. Ахборот тизимини тўлиқ тарзда жорий этиш.	2022 йил ноябрь	

17.8	“Электрон шифохона” ахборот тизимини жорий этиш.		1. “Рақамли Ташкент” комплекс дастури доирасида лойиҳани синов тарзида амалга ошириш.	2020 йил июль – 2021 йил март	Халқаро молия институтлари маблағлари
			2. “Электрон шифохона” ахборот тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил апрель – май	
			3. “Электрон шифохона” ахборот тизимини режа-жадвалга асосан босқичма-босқич жорий этиш.	2021 йил июнь – 2022 йил декабрь	
17.9	Коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳамда улар билан алоқада бўлган шахсларни рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот тизимни яратиш ва жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил май	Бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар тизимлари билан интеграция қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш.	2020 йил июнь	
17.10	Карантинда бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш бўйича “KarantinInfo.uz” ахборот тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил май	Бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ҳамда ишга тушириш.	2020 йил июнь	
17.11	“ASKDOCTOR” bemorlariga online masla'hat bериш portaliini яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил май	Бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Online masla'hat portaliini iishlab chiqish, sinov tarzida iishga тушириш ва amaliyotga жорий этиш.	2020 йил июнь	

17.12	Үй шароитида карантинда бўлган шахсларнинг ҳаракатларини рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш ахборот тизимини яратиш чораларини кўриш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва техник талабларни шакллантириш. 2. Дастурий таъминотни яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил май	Бюджетдан ташқари маблағлар
18	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	3			
18.1	Вазирликнинг ҳудудий туман (шаҳар) бўлимларини бошқариш жараёнларини модернизация қилиш.		1. Аппарат-дастурий таъминотни такомиллаштириш бўйича лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (тандов) савдоларини амалга ошириш. 3. Аппарат-дастурий таъминотни модернизация қилиш ва жиҳозлаш.	2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь – декабрь 2021 йил январь – 2022 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари
18.2	Вазирлик тизимидағи сузиш ҳавзаларида масофавий ҳисоб юритиш ва назорат ўрнатишга мўлжалланган аппарат-дастурий воситаларни жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Дастурий таъминот ва аппарат воситаларини харид қилиш бўйича ижрочиларни аниқлаш. 3. Автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш бўйича ишларни амалга ошириш. 4. Ходимларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш.	2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь 2021 йил март 2021 йил апрель – декабрь 2022 йил январь – сентябрь	Давлат бюджети маблағлари
18.3	Ёшларни жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турлари билан шуғулланишга қизиқтириш мақсадида “Спорт болалар нигоҳида” номли веб-портални яратиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш ишларини ташкил этиш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – август	Давлат бюджети маблағлари

			3. Ахборот тизимини синов тарзида ишга тушириш.	2020 йил сентябрь – ноябрь	
			4. Ахборот тизимини түлиқ ишга тушириш.	2020 йил декабрь	
19	Ички ишлар вазирлиги	2			
19.1	Йўл ҳаракати соҳасида интерактив хизматларни тақдим этишни назарда тутувчи мобил иловани яратиш.		1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари
			2. Ахборот тизимини синов тарзида ишга тушириш.	2020 йил июль – октябрь	
			3. Ахборот тизимини амалиётга татбиқ этиш.	2020 йил ноябрь – декабрь	
19.2	Ички ишлар органларида ягона ҳимояланган электрон хужжат алмашинуви тизими ва конфиденциал маълумотларнинг ошкор этилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича мониторинг тизимини жорий этиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил июль – сентябрь	Давлат бюджети маблағлари
			2. Мониторинг тизимини тегишли ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш шартларини ишлаб чиқиши.	2020 йил октябрь – декабрь	
			3. Тизимни синов режимида ишга тушириш ва амалиётга татбиқ этиш.	2021 йил январь – 2022 йил март	
20	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	2			
20.1	Ёнгин назоратини амалга оширишнинг “Е-инспектор” аппарат-дастурний комплексини жорий этиш.		1. Аппарат-дастурий таъминотни жорий этиш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил январь – март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Аппарат-дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2021 йил апрель – май	

			3. Аппарат-дастурый таъминотни ишлаб чиқиш ва синов режимида ишга тушириш. 4. Аппарат-дастурый таъминотни түлиқ амалиётга жорий этиш.	2021 йил июнь – октябрь 2021 йил ноябрь – декабрь	
20.2	Кичик ҳажмли сув кемаларини рўйхатга олиш ахборот тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. 2. Ахборот-таҳлил порталини ишлаб чиқиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўtkазиш. 3. Ахборот-таҳлил портали ишга тушириш бўйича ишларни амалга ошириш.	2020 йил июль – август 2020 йил сентябрь – октябрь 2020 йил ноябрь – 2021 йил март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
21	Адлия вазирлиги	1			
21.1	“Нотариус” комплекс ахборот тизими сервер қурилмаларини модернизация қилиш ва дастурый таъминотини такомиллаштириш.		1. Дастурый таъминотни такомиллаштириш бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Дастурый таъминотни такомиллаштириш.	2020 йил июнь – июль 2020 йил август – декабрь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
II. Кўмиталар					
22	Давлат солиқ қўмитаси	2			
22.1	Онлайн касса машиналари автоматлаштирилган назорат тизимини такомиллаштириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Онлайн касса машиналари тизимини такомиллаштириш ва синов тарзида амалиётга жорий этиш.	2020 йил июнь – август 2020 йил сентябрь – 2022 йил март	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар

22.2	Ўзбекистон Республикасида айрим турдаги маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва уларни кузатиш имкониятини таъминлаш тизимини жорий этиш.		1. Тизимни яратиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тизим ва аппарат воситаларини харид қилиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 3. Тизимни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш ишларини амалга ошириш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – август 2020 йил сентябрь – декабрь	Давлат бюджети маблағлари, Халқаро молия институтлари грантлари, Бюджетдан ташқари маблағлар
23	Давлат статистика қўмитаси	3			
23.1	Статистик маълумотларни қайта ишлаш жараёнида маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий қилиш.		1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Техник ҳужжатларга асосан бошқариш тизимини харид қилиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш. 3. Маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий қилиш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – сентябрь 2020 йил октябрь – 2021 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари
23.2	Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри платформасини такомиллаштириш.		1. Ягона давлат регистри платформасини такомиллаштириш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ягона давлат регистри платформасини такомиллаштириш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – 2021 йил декабрь	Халқаро молия институтлари маблағлари
23.3	Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтини модернизация қилиш.		1. Веб-сайтни модернизация қилиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Веб-сайтни модернизация қилиш.	2020 йил июнь 2020 йил июль – сентябрь	Халқаро молия институтлари маблағлари

24	Давлат божхона қўмитаси	4			
24.1	Давлат божхона органлари фаолиятини мониторинг қилувчи “Karvon” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишга тушириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2020 йил июнь – июль	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил август – сентябрь	
			3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2020 йил октябрь – декабрь	
24.2	Автотранспорт воситаларининг давлат чегараси орқали ўтишида навбатларни бошқариш ахборот тизимини ишга тушириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2020 йил июнь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил июль – август	
			3. Бошқарув ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2020 йил сентябрь – декабрь	
24.3	Чегара ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари ва уларда ташилаётган товарлар назоратини олиб борувчи “Транспорт назорати” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишга тушириш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2020 йил июнь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил июль	
			3. Автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2020 йил август – декабрь	
24.4	Тоҷикистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Республикаси божхона хизматлари билан экспорт-импорт операциялари бўйича олдиндан ахборот алмашиш тизимини яратиш.		1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2020 йил июнь	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
			2. Лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.	2020 йил июль – август	
			3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2020-2021 йиллар	

25	Экология ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш давлат құмитаси	1				
